

## 270 кг вазндаги зебрани судраган арслон



09:00 / 19.11.2021 2763

Эркак арслоннинг оғирлиги 160-180 кг атрофида бўлиб, баъзиларининг вазни 230 кг бўлиши мумкин. Узунлиги 3 метрга, ердан баландлиги бир метрга етади.

Урғочи шер эркагига қараганда ҳар тарафдан 30 см қисқароқ бўлади.

Арслоннинг тезлиги соатига 55 км.га етади.

Асосан кечқурун ов қилади.

Одатда урғочи шерлар ов қилади. Эркак арслон эса жамоани муҳофаза қилади.

Жамоада 5 та урғочи, 2 та эркак шер бўлади. Айрим ҳолларда жамоа аъзоларининг сони 40 тагача етиши мумкин.

Ким ов қилишидан қатъий назар ўлжани ейишни эркак арслон бошлаб беради. У бир ўтиришда 35 килогача гўшт ейиши мумкин.

Эркак арслон бир ўзи ов қилади. Ўлжани қўлга киритгач, уни бўғзидан тишлаб, ўлгунича кутиб туради. Ўлгач, салқин жойга судраб олиб бориб, ўша ерда ейди. 270 кг келадиган зебрани бир ўзи сояга судраб бориши

мумкин. Бу оғирликдаги ҳайвонни 5-6 киши судрай олади.

Арслоннинг наъраси 8 км узоқликдан эшитилиши мумкин.

Жуфтлашиш мавсумларида арслон ўзининг жуфти билан бир кунда 20 мартадан 40 мартагача қўшилиши мумкин.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**«Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар»** *(Луқмон сураси, 11-оят)*

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***